

УДК: 811. 512.

**Гулрух ЖҮРАБОЕВА,
ФарДУ, тиљшунослик кафедраси ўқитувчиси**

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ- ТАРИХИЙ ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА

Аннотация

Уибұ мақолада тарихий манбаларда учрайдиган Фарғона водийси жой номларининг қиёсий-тарихий тадқиқига доир фикр-мұлоҳазалар баён этилади.

Калит сўз ва иборалар: топоним, гидроним, ономастик лексика, тополексема, микротопоним, эллипсия, ойконим, индикатор, топонимик формант, антропотопоним.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы сопоставительно – исторических названий мест Ферганской долины в исторических источниках.

Ключевые слова и выражения: топоним, гидроним, ономастическая лексика, тополексема, микротопоним, эллипсия, ойконим, индикатор, топонимический формант, антропотопоним.

The summary

This article considers issues according to comparativ - historical research of the names of Fergana valley which are mentioned in historical sources.

Keywords: *toponym, hydronym, onomastic lexics, topoleksema, mikrotoponym, ellipse, oykonim, anthroponym, toponimic formant, anthropotoponym.*

Фарғона водийси топонимиясига оид илк маълумотлар Марказий Осиё тарихи акс эттирилган ёдгорликларнинг аксариятида, жумладан, милоддан аввалги II асрдан бошлаб ёзилиб келинган хитой манбаларида, яъни «24 тарих»¹ нинг 1-2 жилди «Шижи» («Тарихий хотиралар») ва «Хан шу» («Ханнома») да ҳамда XIII асрнинг биринчи чорагига оид Муғ тогидан

¹ «24 тарих» – милод. авв. II асрдан бошлаб ёзилиб келинган Хитой сүлолаларининг тарихи. Унда милод. авв. 3000 йилликдан то милодий 1644 йилгача бўлган воқеалар баён этилган.

топилган сүғд хужжатларида учрайди². Водий топонимлари ҳақидаги кенг ва батафсил маълумотлар эса асосан қўйидаги давр манбаларида акс этади:

1. IX-X асрларга оид географик манбалар. Ушбу давр манбалари, илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан ҳисобланиб, улар сирасига номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзиб қолдирилган (983 йил) «Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб» («Оlamning машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб»), шунингдек, бир гурух араб сайёхи ва географ олимлари Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истаҳрий томонидан ёзилган (930-933 йиллар) «Китоб ул-масолик ва ал-мамолик» («Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб»), кейинчалик (976-977 йиллар) Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Нисбийнинг Истаҳрий асарини қайта тўлдирилган худди шу номдаги асари ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддасийнинг (947-1000) «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» («Иқлиmlарни ўрганиш учун энг яхши қўлланма») асарлари киради³. Мазкур давр манбаларининг умумий жиҳати шундаки, уларда номи тилга олинган барча вилоят, шаҳар ва қишлоқлар асосан географик нуқтаи назардан тавсифланади, яъни уларнинг жойлашиш ўрни, маъмурий бўлиниши, чегаралари, табиати ва иқлимига алоҳида эътибор қаратилади⁴. Келтирилган манбаларнинг номшунослик учун аҳамиятли жиҳати эса уларда юртимизнинг, хусусан, Фарғона водийси топонимларининг ҳам энг қадимги шакли ва вариантларининг сақланиб қолганлигидадир.

2. XV-XVI асрларга оид тарихий, бадиий-мемуар асарлар. Мазкур давр асарлари Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон, энг асосийси Марказий Осиё, унинг кичик бир бўлаги ҳисобланган водий топонимияси ва гидронимияси учун ҳам бой ва қимматли материаллар бера

² Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар. Урумчи, 1989; Согдийские документы с горы Муг. Вып. 2. Чтение, перевод и комментарий В.А. Лившина. М., 1962.

³ Ҳудуд ул-олам. Тошкент: O'zbekiston, 2008; Ибн Ҳавқал. БГА. 2-жилд; Истаҳрий. Китоб ул-масолик вал-мамолик. БГА, 1-жилд; Муқаддасий. Аҳсан ул-тақосим фи маърифати ул-ақолим. БГА. 3-жилд. Материалы по истории киргизов и Киргизии. – Москва, 1973.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент: Ўқитувчи, 1991. –Б. 85-98.

оладиган ноёб хазина саналади. Улар сирасига даставвал З.М.Бобурнинг қомусий шоҳ асари «Бобурнома» (тахм. 1518/19-1530 йй.), тарихнавис Фиёсиддин бин Ҳумомиддин Ҳондамирнинг 1523 йилда форс тилида ёзиб тугалланган «Ҳабиб ус-сиyr фи ахбори афроди башар» («Башар аҳли сийратидан ҳабар берувчи дўст») китоби, шунингдек, 1541-1546 йилларда «Бобурнома» га ўхшатма - эсадаликлар тарзида тарихчи Муҳаммад Ҳайдар мирзо томонидан ёзилган «Тарихи Рашидий» асарларини киритиш мумкин⁵. Кўрсатилган бу манбалар бир давр маҳсули саналгани боис аксарият жой номларининг такрорланиши, шу билан бир қаторда, уларнинг бир-бирини тўлдириш ҳоллари кузатилади.

3. XIX асрнинг 2-чораги ва XX асрнинг бошларида яратилган тарихий асарлар. Ушбу ёдгорликлар ўз навбатида Фарғона водийсида XVIII асрдан то XIX асрнинг 1-чорагигача хукм сурган Қўқон хонлиги⁶, унинг қонли ўтмиши баён этилган тарихлар йиғиндисидир. Юқоридаги давр адабиётларидан фарқли ўлароқ мазкур асарларда водий топонимлари ҳақидаги маълумотлар анча батафсил тавсифланади. Шунингдек, бу асарлар тарихий топонимиянинг энг сўнгги, замонавий топонимиянинг эса бошланиш манбаи ҳисобланиб, улар сирасига дастлаб Муҳаммадҳакимхон Тўра томонидан 1843 йилда ёзилган «Мунтахаб ат-таворих» («Сайланган тарихлар китоби»), Қўқон хонлари Маллахон ва Худоёрхон саройида хизмат қилган тарихнавис Мирзоолим Мушрифнинг (тахм. XIX асрнинг 20-80 йилларида яшаган) «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар наслаблари ва хоқонлар тарихлари») ҳамда муаррих Исҳоқхон тўра Ибрат томонидан 1916 йилда ёзилган «Фарғона тарихи» асарларини киритиш мумкин⁷.

⁵ Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Toshkent: Yangi asr avlod, 2015; Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент: Шарқ, 2010; Фиёсиддин Бин Ҳумомиддин Ҳондамир. Буюклик хислати. Ҳабиб ус-сиyr фи ахбори афроди башар. Тошкент: Sharq, 2011.

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2002. www. ziyouz. com кутубхонаси. –Б.280.

⁷ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010; Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Тошкент: Faafur Fulom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995; Ибрат. Мерос. Фарғона тарихи. Тошкент: Камалак, 1991.

Юқорида қайд этилган манбалардаги топонимлар сони миқдор жиҳатидан турличадир. Масалан, X аср ёдгорлиги «Худуд ул-олам» да йигирмадан ортиқ, XIX аср ёдгорлиги «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида юзга яқин водий топонимлари учраса-да, лекин улардаги номлар яратилишига кўра ўша давр лисоний хусусиятларини ўзида акс эттириши жиҳатидан қиммати тенгdir. Биринчи ва иккинчи давр манбаларида зикр этилган топонимларнинг аксарияти қадимийлиги боис бугунгача сақланиб қолмаган ёки номлари ўзгарган ҳолда етиб келган. Учинчи давр манбалари топонимияси эса айрим фонетик ўзгаришларга учраган ва ҳозирда истеъмолдаги топонимлар ҳисобланади. Шу хусусиятларига кўра кузатишлар асосида барча давр топонимларини қуидагича гурухлаш мумкин:

1. Дастрлабки лисоний хусусиятларини ўзида сақлаб, учала давр манбаларида ўзгаришсиз ҳолда учрайдиган ва ҳозирда мавжуд топонимлар: *Фарғона*, *Хўжанд*, *Ўши*, *Сўҳ*, *Ворух*, *Хушёр*, *Чуст* кабилар⁸;

2. Айрим товуш ўзгаришларига учраган ва бирдан ортиқ вариандорликни ҳосил қилган топонимлар:

а) бир вариантли жой номлари: *Испара* (*Исфара*); *Насух* (*Нурсух*); *Гурумсарой* (*Хуррамсарой*); *Чаҳортоз* (*Чортоз*); *Ёзябон* (*Ёзёвон*); *Ёрмазор* (*Ёрмозор*); *Ғаво* (*Фова*); *Архиён* (*Айқирон*); *Авол* (*Аввал*); *Кетмантепа* (*Кетмонтепа*); *Бешариғ* (*Бешариқ*) ва бошқалар;

б) икки вариантли топонимлар: *Боб* // *Поб* (*Пон*); *Қубод* // *Қубо* (*Қуба*); *Андукон* // *Андигон* (*Андижон*); *Чадғал* // *Жадғал* (*Чотқол*); *Кандибодом* // *Конбодом* (*Конибодом*) кабилар;

в) уч вариантли топонимлар: *Ўзганд* // *Ўзжанд* // *Юзганд* (*Ўзган*); *Хавоканд* // *Хўқон* // *Хўқанд* (*Қўқон*); *Пешхорон* // *Бишхорон* // *Пишхорон* (*Пешқўргон*); *Рушдон* // *Рашидон* // *Рошидон* (*Риштон*) ва бошқалар.

⁸ Изоҳ: Ушбу таснифлашда топонимларнинг X аср манбаларидан бошлаб учрайдиган шакллари эътиборга олинди.

3. Топонимнинг бир компоненти туширилган, яъни эллипсияга учраган номлар: *Газнани Намангон*⁹ → *Намангон // Наманган*; *Ахсикат // Ахсиқент* → *Ахси*; *Работи Заврақ* → *Заврақ*; *Ойимқишилоқ* → *Ойим*; *Лотканд // Лот* *қишилоги* → *Лот* кабилар;

4. Турли ижтимоий ва сиёсий сабабларга кўра номи бутунлай ўзгарган топонимлар: *Хатлом – Норин*; *Канд – Конибодом*; *Миён Рудон (Икки сув ораси) – Работак*; *Қоратепа – Мўйи муборак*; *Оби Хон – Ўхна*; *Қалъаи хон – Тўракўргон* ва бошқалар. Мазкур гурухга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, топонимларнинг бир тури ҳисобланган гидронимларда ҳам номнинг тамоман ўзгариб кетиш ҳолати кўп учрайди. Айниқса, X-XVI аср манбаларида акс этган гидронимларнинг катта қисми ўзи оқиб ўтадиган ҳудуд номи билан аталиши уларнинг характерли хусусияти бўлган¹⁰ ва кейинги даврларда айримлари бошқа ном билан алмашинган: *Ахси суйи – Косонсой*; *Андижон руди - Ўши дарёси – Оқбура*; *Хатлом дарёси – Норин*; *Сиёҳоб – Қувасой*; *Хашарт // Хасарт – Ўзганд дарёси – Сайхун – Сирдарё* каби.

5. Даврлар ўтиши билан объектнинг вайронага айланиши ёки йўқотилиши натижасида ҳозирда бутунлай истеъмолдан чиққан номаълум ҳудуд топонимлари: *Воскат, Яшўх, Ўрашт, Кашибас, Рангад, Шикит, Хайлам, Башибашан, Уштикон, Баранғ, Ванкат, Боканд, Сарак, Диаркард, Мискан, Биган, Тисхан, Чидгил, Такасекретку, Харобук, Фарогина, Ҳодарвеш, Тангоб, Сапон, Ашпориён, Тўруқшорон* ва ҳок.

Юқорида санаб ўтилган топонимлар, луғат таркиби, ясалиши, тузилиши, умуман олганда, тил хусусиятларига кўра ҳам ўзаро бир-биридан фарқланади. Чунки топонимларнинг пайдо бўлиш даври, макони ва келиб чиқиши манбаи ҳар хилдир. Масалан, IX-X асрларга оид ёдгорликларда учрайдиган аксарият топонимларнинг илдизи қадимги сугдий ва эроний тилларга бориб туташади. Шунинг учун уларнинг этимологиясини

⁹ Бу ҳақда қаранг: Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Toshkent: Yangi asr avlodи, 2015. – B.123.

¹⁰ Qorayev S. Toponimika. Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – B. 58-59.

аниқлашда қадимги сүғд хужжатлари ва мазкур тилларга оид луғатлар эътиборга олинади. Улар таркибида шу тилларга мансуб *-кан* // *-кон* // *-ғон*; *-канд* // *-жанд* // *-қанд* // *-ганд*; *-кат* // *-кот*; *-кана* // *-гона*; *-тон* // *-дон*; *-кас* // *-хас* сингари топоформантларнинг фаол қўлланиши ҳам фикримизнинг исботидир: *Андукан*, *Мискан*, *Заркан*, *Уштикон*, *Багаскон*; *Хавоканд*, *Боканд*, *Ўзжанд*, *Хўжанд*; *Ахсикат*, *Воскат*, *Ванкат*; *Фарғона*; *Риштон*; *Кашўкас*, *Тамоҳас*, *Номанкоҳас* кабилар. Мазкур элементлар илк даврларда ўз мустақил маъносига эга бирликлар ҳисобланган (*-кан* // *-кон* // *-қон* // *-ғон* → ‘дарё’, ‘анҳор’; *-канд* // *-жанд* // *-қанд* // *-ганд* → ‘қўргон’, ‘шаҳар’; *-коҳ* → ‘сарай’, ‘қаср’; *-тон* // *-дон* → ‘жой’, ‘макон’, ‘дарё’), лекин даврлар ўтиши билан луғавий маъносидан узоқлашиб, «ономастик лексика учун тополексемалар ясадиган топонимик формантларга айланган»¹¹.

XV-XVI асрларга оид иккинчи давр манбалари топонимиясининг тил курилиши ва лексикасида асосан форс-тожик, қисман араб тили элементлари сезилиб туради. Ушбу жой номлари таркибида мазкур тилларга мансуб *об*, *пушта*, *обдузд*, *обгир*, *руд*, *пул*, *санг*, *гил*; *работ*, *масжид* индикаторларининг фаол қўлланилиши, шунингдек, қўшма таркибли топонимларни изофа шаклидаги бирикиш ҳоллари кузатилади: *Оби Хон*, *Работи Рўзак*, *Пуштайи Айш*, *Работи Сарҳанг*, *Масжиди Жавзо*, *Гунбази Чаман*, *Банди Солор*, *Дутаҳи Обдузд*, *Кўли Гил*, *Пули Равон*, *Кандиоб*, *Кандибодом*, *Работи Заврақ* ва бошқалар.

Қўқон хонлиги манбалари топонимияси қатlamларини ҳам асосан форс-тожик тили, шунингдек, ўзбек тилига оид бирликлар ташкил қилиб, номларнинг аксарияти форсча *обод*, *мазор*, *хона*, *дашт*, *кўча*, *гузар*, ўзбекча *қўргон*, *қишлоқ*, *арик*, *сув*, *овул*, *қум* индикаторлари билан ясалганлигини қўриш мумкин: *Оққўргон*, *Қамишқўргон*, *Шумқўргон*, *Янгикўргон*, *Учқўргон*, *Тўрақўргон*; *Хўжаобод*, *Жалолобод*, *Хонобод*, *Миробод*; *Саримазор*, *Ёрмазор*, *Ғўзапоя мозор*, *Қамишилик мазор*; *Олтиариқ*, *Қалмоқ ариғи*, *Чинобод ариғи*, *Бешариқ*; *Эшон қишлоқ*, *Ойимқишлоқ*; *Гўргтепа*, *Арзангтепа*, *Кетмантепа*,

¹¹ Улуков Н. Тарихий гидронимик формантлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2014 йил, 6-сон. –Б. 80.

Тўқайтепа, Гўргтепа; Дашиби Ўши, Панжакум, Говхона, Қаросув, Чуқуркўча
каби.

Бундан ташқари, ўрта аср манбалари топонимлари *ноҳият, рустоқ, вилоят* сингари макон билдирувчи ва объектнинг турига ишора қилувчи ўрин-жой отлари билан бирга қўлланса, XV-XVI аср манбаларида бу бирликлар *навоҳис, қасаба, кент, ўрчин, қалъа, арк, қўргон, сўнгги давр манбаларида маҳалла, мавзе, ўрда, музофот*, шу билан бир қаторда рус тилига мансуб *округ, облўст, уезд, губерна* каби давр тил хусусиятларидан келиб чиқсан турдош отлар билан алмашинади.

Қайд этилган манбаларни тадқиқ этиш жараёнида яна шу нарсага амин бўлдикки, водий антропотопонимларининг катта қисми, шунингдек, мансаб, амал номлари билан аталувчи ойконимлар Кўқон хонлиги даврида юзага келган тарихий номлардир. Буни мазкур давр манбалари тўла тасдиқлаб турибди: «*Ва яна шул тарихда Худоёрхон волидаи шарифаларини васиятлари бирла оналарини номига мадраса солмоқ бўлуб, мулла Турдиали мирзони ишибоши қилиб, масжиди жомеънинг шарқида мадрасайи олий биносига машгул бўлуб, саҳл вақтида иттомомига етиб, Мадрасаи «Ҳоким ойим» номзод қилди. (милодий 1872)¹²* ёки *«Шаҳрихон»* ни Умархон жсаннатмакон вақтида ул киши амри илан *Холмуҳаммад* доддоҳ тожик бино қилди¹³».

Демак, манбаларда қайд этилган *Хонобод, Ҳоким ойим, Шаҳрихон //* *Шаҳри амир, Ойимқишилоқ, Миробод, Маҳрам, Даҳмаи шоҳон, Қалъаи хон //* *Тўрақўргон, Қайнари Умар* ва ҳозирда водийнинг турли туманларида учрайдиган *Худоёрхон, Маллахон, Чек Насриддин, Мадаминбек, Ҳожибек гузари, Рисқулибек гузари* (Фарғона вилояти), *Насриддинобод, Ўрмонбек, Султонмуродбек, Авлиёчек* (*Худоёрхоннинг ишончли кишиларидан, энг яқин маслаҳатчиларидан бўлмиш Исо авлиё номига алоқадор*), *Холматододҳо, Офтобачичек* (Андижон вилояти)¹⁴ каби ойконимлар мазкур даврлар маҳсули саналган. Фарғона водийси антропотопонимларининг аксарияти

¹² Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Тошкент: Faafur Fulom nomidagi Adabiёт va san'yat nashriёti, 1995. – Б. 79.

¹³ Ибрат. Мерос. Фарғона тарихи. Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 325.

¹⁴ Охунов Н. Фарғона водийси антропоийконимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997 йил, 2-сон. –Б. 26-27.

жамиятда синфларнинг пайдо бўлиши, умуман олганда, хонликлар билан боғлик ҳолда вужудга келган. Яъни «ернинг ҳар бир парчаси кишининг хусусий мулки бўлган бир пайтда, унинг эгаси номи ёки шахснинг ижтимоий келиб чиқиши ва социал аҳволини кўрсатиб турувчи амал, мансаб номлари асосий фарқловчи белгига айланган ва натижада жойлар катта ер эгалари ҳамда мазкур титул номлари билан аталадиган бўлган»¹⁵.

Шундай қилиб, Фарғона водийси ўзининг узоқ ва яқин ўтмишга мансуб бўлган топонимиясига эга. Ушбу номларнинг барчасида ҳудуднинг қадимија ва бой тарихи ўз изини қолдирган. Шу нуқтаи назардан водий топонимиясини қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш ундаги турли даврларга оид кўплаб маданий ва лисоний маълумотларни тўплаш, шунингдек, топонимлар шаклланишининг тарихий тараққиётини ва баъзи бир қонуниятларини аниқлаш имкониятини беради. Уларни изчил ва тизимли тадқиқ этиш эса номшунослик соҳаси олдида турган қатор муаммолар очимини топишга илмий ҳамда амалий ёрдам беради.

¹⁵ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1989. –Б. 18-19.